

# **Доимий комиссиясининг навбатдаги йиғлиши бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16-июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармонинг ижроси юзасида Халқ депутатлари Узун туимани Кенгашининг - Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги йиғлиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда жорий йилнинг 20 сентябрь кунда Термиз шаҳри Матбуот уйида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси, вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати ҳамда Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида давлат бошқарув идоралари ахборот хизматлари раҳбарлари учун бўлиб ўтган ўқув-семинарда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида” ги қонун ҳамда соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари ижроси, ташкилотнинг расмий веб-сайтини очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик ахборотлар билан тўлдириш ва доимий янгилаб бориш, ахборот макони мониторингини юритиш, медиа-режалар ижросини таъминлаш, ОАВ вакиллари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари юзасидан билдирилган фикрлар хусусида туман ҳокимлиги ахборот хизматининг хисоботи эшитилди.









